

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАҲОСИ 4 СЎМ



Суратчи: А. ТЎРАЕВ

—МУЗҚАЙМОҚ МАЗАЛИ ЭКАН!

*Кейинги сонларда:***ШАВҚИДДИН БАҲРИ:****АЗИМ СУҲОН КАТТА МАНСАБДОР
БЎЛИБ КЕТАДИ****АБДУҒАФУР РАСУЛОВ:****ЎЛДИНГ — ЎЧДИНГ... ЭМАС****УШБУ СОНДА:****РЎЗИМБОЙ ҲАСАН:****ТАМАРАГА СОВЧИ
КЕЛМАДИ****АБДУРАШИД НУРМУРОД:****ТИРИКЛАРДАН ҚЎРҚИШ
КЕРАК**

(66)48 «Оила ва жамият»

Дарвин Фуломов. 63 ёшда. Ўзбекистон жарроҳлик илмий марказининг юрак касалликлари жарроҳлиги бўлимини бошқаради. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Ҳазилкаш, хуш қақчақ инсон. «Энг яхши фазилат одамийлик» деб билади.

У кишининг айтишича;

— Мамлакатимизда йилга минглаб бола юрак хасталиги билан дунёга келмоқда. Буларнинг ярмиси лояқал бир баҳорни қаршиламай оламни тарк этапти. Фаолиятимиз, вазиғамиз шу норахсидларни даволаш, қўлдан келганича дардларига малҳам бўлишдир. Бир йил ичда уч юз туғма юрак хасталиги бўлган болаларни операция қиламиз. Лекин операцияга муҳтожлар кўп. Имкониятимиз эса чегараланган. Турли хил асбоб ускуналар

тир, болам эсон-омон чиқармикин деган савол юракни ўртайди. Улар ҳам тушунишади, бундан бошқа йўл йўқлигини. Тушунмайдиганлари ҳам йўқ эмас.

Тушунмаслик, «тушунишни истамаслик» оқибати эса афсус, аксарияти ўлим билан тугайди. Тўғри, биз худо эмасмиз, лекин уларнинг ҳали яшаши учун имконлар бор эди.

— Операциядан чиққанларнинг келажаги қандай бўлади! Улар «яримжон» бўлиб, кимнингдир қўлига қараб қолмайдиларми!

— Йўқ. Уларнинг ҳеч кимга оғирлиги тушмайди. Умрида бир ери оғирмаган, тушакка ётиб кўрмаганлар нимаики қилишса, улар ҳам шунга қодир бўладилар.

— Юрак хасталиги билан туғилиш сабаби нима ва унинг олдини олиб бўладими!

манадиган Шарқ аёли ичидан ҳам бугунги кунга келиб ароқ ичадиган, ҳар хил заҳарли моддаларни эркак зоти билан баробар (керак бўлса ундан ортиқроқ ҳам) симирадиган хиллари чиқиб қолди. Бунинг оқибатини эса юқорида айтиб ўтдим. Энди биз вақтида «этигимизни йиғиштириб» олишимиз лозим. Зро, бугун туғилаётган чақалоқ — миллат келажиги.

— Ўз дардларига шифо топганларнинг ўзлари ёки ота-оналари сизни йўқлаб туришадими!

— Йўқлашади. Баъзилари байрамларда, туғилган кунларимизда келиб қўтлаб кетишади, баъзилари кўнғироқ қилишади, хат йўллашади. Бир умрга ака-ука ёхуд ота-бола тутиниб қоладиганлари ҳам йўқ эмас. Ҳаёт давом этар экан, меҳру оқибат ҳам мавжуддир.

Етти кун

ДАРВОЗА УЧУН — МИЛЛИОН

Амриқолик юртдошимиз Абдурауф Мақсудий Фарғонада қўрилаётган шаҳарнинг рамзий дарвозаси учун маблағ ажратишга ваъда берганди. Вилоят ҳокими Мирзажон Исломов номига телеграм келди. Унда «Ўзбек — Амриқо савдо ва маданият корпорациясининг президенти дарвоза учун Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият банкига 8 миллион сўм ўтказганлигини маълум қилган.

ЮЛДУЗ УСМОНОВА

чет элга кетиш олдидан Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида икки кун концерт берди. Мухлислар хонандани соғиниб қолишган экан, билет нархи қиммат бўлишига қарамай (50 сўмдан 300 сўмгача — қаторларга қараб) саройни тўлдириб ўтиришди. Қўлда эса билетларнинг нархи уч-тўрт баравар қимматроқ бўлди.

ТУРКИЯДА АНАЛГИН БОРМИ!

Тижоратчи Туркия сафари олдидан узун-қулоқ гапларга ишониб, жомадонини «аналгин», «пенталгин»ларга тўлдириб олганди. Қайтиб келган, барини дорихонага топширишга мажбур бўлди: кўрғур дориларнинг Туркияда бозори касод экан.

ЭШАГИДАН ТУШОВИ ҚИММАТ

деганлари шу бўлса керак. Энди поезддаги бит босган аёл, ҳўл чойшаб учун 50 сўм тўлайсиз. Икки кишилик купеда бунга яна 20 сўм қўшилади.

ҚИМОРНИНГ «ХОСИЯТИ»

Бувайда туманининг Оққўрғон анҳоридан қолга солинган мурда топилди. Аниқланишча, мурда янгикўрғонлик Хусан исмли йигитники бўлиб, у бир неча кун олдин катта қимор ўйнаб, ютқазиб қўйган. Ва турар жойини ҳам сотиб юборган.

ДИЙДОРЛАШУВ ТҲЙГА УЛАНДИ

Жиззах туманидаги Қатортол қишлоғига асли жиззахлик бўлган Мулла Сафар оиласи Саудия Арабистонидан икки ойга ташриф буюрди. Унинг ўғли Абдулҳаким ота юртига келганда бахтини топти: йигитча Маҳфуза исмли қизга уйланди.

Е ОМАД!

Тошкентдаги тўқимачилар маданият саройида мўъжиза юз берди. Бу ерда бўлиб ўтган «Мўъжизалар майдони» уйинининг ғолиби бухоролик ўқитувчи Рашид Эсонқулов катта ўйинга жаҳд қилиб 100 минг сўмлик(!) «Фишер» видеомагнитофонини ютиб кетди. Қизиги, унинг толиба қизи чиптани сўнги пулига олган экан.



Д. ФУЛОМОВ ИШ УСТИДА

етишмайди. Четдан келтириш учун сармоя йўқ.

— Операцияларингиз ҳар доим ҳам кўнғилдагидек чиқади!

— Бир йилда ўрта ҳисобда 700 та операция қиламиз ва шуларнинг 95—96 фоизи ижобий чиқади.

Қолганларининг жарроҳлик столидан жонсиз ҳолда кўтарилишларига сабаб, вақт ўтиб, касаллик вужудни деярли емириб боради.

— Ота-она учун фарзанддан кўра муқаддасроқ нарса бўлмаса керак. Унинг жонин эса ўзининг жонидан да азиз туради. Жигарбандининг мурғак вужудига тиг теккизишга ота-оналарни қандай рози қиласизлар!

— Аввало ҳеч бир зотнинг бошига бундай кунларни солмасин. Бундай пайтлари ота-оналар ўз юракларига тиг тортилгандан ҳам оғир ҳолатга тушадилар. Уларнинг нигоҳларидаги «айтинг дўх-

— Туғма юрак хасталигининг сабаблари кўп. Маълумки, юракнинг хоналари, деворлари, катта қон томirlари бола она қорнида уч ойлик бўлган пайтдан шаклланади. Шу вақтда ҳомилдор вирусли касалликлар билан оғривса, ҳар хил заҳарли кимёвий моддалар ва спиртли ичимликлар истеъмол қилса, шунинг ўзи юрак парогининг пайдо бўлишига сабаб бўлади деб ўйлайман. Касалликнинг наслдан наслга ўтishi жудаёам кам.

Буларнинг олдини олиш учун эса атроф-муҳитга эътибор бериш лозим. Ютаётган ҳавомиз, ичаётган сувимиз заҳарлардан холи бўлиши керак. Шунингдек, тарбиянинг ҳам ўрни катта.

— Кечирасиз, тарбия деганда нимани назарда тутасиз!

— Бизни шундай исканжага олиб тарбия қилишдики, натижада миллий қиёфадан анча узоклашдик. Тарбия бузилди. Кўчага чиқишга ий-

— Яқинда ўқиб қолдим. Бир умр мия фаолияти билан шўғулланиб келган, дунёга таниқли академик Бехтерева инсон миясининг тузилиши одамзот ё худо томонидан яратилган ёки бўлмаса у ер юзига бошқа сайёрадан келтирилган деган ҳулосага олиб келади, деб ёзибди. Бундайроқ одам шу гапни айтганида эътибор бериб ўтирмасдик. Лекин фақат илмий далиллар асосида фикр юритиб келган, номин оламга кетган олимдан бу гапни эшитган, ўй-дунём остин-устун бўлиб кетди. Шу хусусда фикрингиз!

— Оламда шундай ҳодисалар борки, буларнинг ҳаммасига одамнинг ақли етмайди. Эҳтимол, худо томонидан яратилганлигимиз рости. Лекин бу ҳақда ҳозирча аниқ ва дадил бир фикр айтишга ожизман.

— Оллоҳга ишонасизми! — Жамият бизни даҳрий қилиб тарбиялади. Рост, кўп йиллар ҳудого ишонмай, тўғ-

рироғи, уни ўйламай яшадим. Энди эса... ёшим бир жойга бориб қолди. Анча-мунча нарсаларни кўрдим, бошимдан ўтказдим. Ҳаётда шундай синоатларга дуч келасанки, бу худодан дейишдан ва унга тан беришдан бошқа илож йўқ. Лекин худого эътиқод қўйиб яшапман деб айтолмайман. Яна айтаман: бир пайтлар худо ҳаёлимга келмай яшаганман. Энди уни ўйлапман. Лекин ҳар доим операцияга киришда кўнғилдан «Э худо! Сендан даво тилаб термулаётган шу қоракўзнинг дардига ўзинг шифо бергин» деган илтижо кечиши рост.

— Ўзингиз даволаган йигит ёки қизнинг тўйида бўлганмисиз!

— Тўй! Халқимиз ҳаётининг мазмуни-ку. Сиз айтётган собиқ беморлар учун эса армонининг рўёбга айланишидир. Уларнинг қувончини ифодалаб бўлмайди. Тўйларига эса таклиф этишади.

Афсус, уларнинг қувончига кўпинча шерик бўлолмаймиз.

— Ўзингиз ва оилангиз ҳақда гапириб берсангиз!

— 63 ёшга кирдим. 40 йилдан бери шу ерда жарроҳ бўлиб ишлайман, 20 йилдирки, Тошкент тиббиёт олийгоҳида дарс бериб келяпман.

Рафиқам ҳуқуқшунос, ҳозир уй бекаси. Уч қизим, бир ўғлим ва тўрт набирам бор. Қизларимнинг бири Жиззахда, яна бири Масковда врач бўлиб ишлайди. Кенжа қизим ТошМининг 2-курсиде ва ўғлим Иқтисодий дорилфунунининг 1-курсиде ўқийди.

— Бўш пайтлар севган машғулотиңгиз!

— Бадиий фантастик асарларни мутолаа қилишни хўш кўраман. Эстрада қўшиқларини севиб тинглайман.

— Муштарийларга тилақларингиз!

— Юраклари бақувват бўлиб, эзгу туйғуларга тўлиб юрсин.

Рўзбой САИД

ОНАСИГА

Янги келин тушган ҳовлига дарров сув сепилиб, атроф чиннидай тозаланади. Гўё бу оқ ниятли келин қалбининг рамзига ўхшайди!

...Ўтган йили июл ойининг жазирама кунларида Зокирнинг оила аъзолари унинг севгилиси, соҳибжамол Собирани хонадонларининг париси, соясалқини бўлишларини истаб қолдилар. Дарҳақиқат, жазирама иссиқдан чолу-кампири арз-дод қилишган бир пайтда уларга ҳовуз бўйидаги оромгоҳдан кўрпача солиб берадиган кимдир бўлиши керак-ку, ахир!

— Тўйни бошламоқчимиз, сен нима дейсан, ўғлим?— Тўйчи бобонинг тоқати тоқ бўлиб сўради Зокирдан.

— Иштиёр сизларда, мен нима ҳам дердим,— дея жавоб берди ўғил ичидан суяниб.

Орадан беш-олти кун ўтиб, Зокирнинг хурсандчилиги кунлари отини қамчилади.

Қайрағочларининг сўлим соясига дастурхонлар ёзилди. Чор-атрофга кашталар илинди.

Ниҳоят, қарнай-сурнай баралла янгради. Ер-ёр авжга чиқди.

Тўй тонггача давом этди. Барча дўстларнинг самимий қутловлари, эзгу ниятлари, кулги ўйинлари давранинг кўрки бўлмиш икки ёрқин юлдузга бағишланди. Уларнинг қалбларида илиқ туйғулар жимирлай бошлади. Айниқса, Зокирнинг ота-онаси қувонганини кўрган кишининг ҳаваси ортарди. Ахир уларга ҳовуз бўйидаги қайрағочлар соясида кўрпача солиб, иссиқ-иссиқ чой дамлаб берадиган келин келган эди...

Деярли бир йил давом этган қувончли дамлар ўтиб, Зокир ва Собираларнинг пок-беғубор ҳаёт самоларида қора булут қалқий бошлади. Собиранинг кўзи ёришига бир ярим ой қолганда унинг томоқ йўлида яра пайдо бўлиб азоб бера бошлади. Дард бедаво бўлиб чиқди. Врачлар ҳам ожизлик қилишди. Эскичасига

фол очиб, ўқитиш керак, деган хулосага келдилар. Собиранинг тақдирдан фол очганлар: «Қиз болалигида кимдир жоди едирган, ҳозир ўша жоди ярага айланиб кетган», дейишди...

Туни билан ёмғир шовуллади. Зокир учун бу ёмғир унинг бошига икки-уч донна қувонч томчисини ташлаши, ёки ташвишли хабар келтирадигандай эди.

У тонгга қадар гоҳ туман маркази, гоҳ уйига қатнади. Тонгда Собиранинг кўзи ёриди — чақалоқ ўғил экан. Аммо кутилмаганда, врачлар типирчилаб қолишди. Зокир ўзини тугруқхона ичкарасига урди. У палатага кирганда врачлар энди Собиранинг кўзини юмаётган эдилар. Зокир бақирганича Собирага ёпишди, у эса индамасди. Орадан бир соат ўтиб, дунёга келган митти чақалоқ ҳам онасига эргашди. Зокирнинг нолаларига қарамай она-бола қайтмас сафарга йўл олдилар.

Хонадоннинг севимли келини Собиранинг жанозаси ўтган йили келин бўлиб сузилган қайрағочлар соясида ўқилди. Гўё қайрағочлар ҳам қовоқ солиб марҳумани кузатар эдилар. Уларнинг соясини сўпуриб чолу кампирга кўрпача тўшаб берадиган инсон уларни ҳам мангуга ташлаб кетаётган эди.

Ҳа, Собира дарёнинг суви каби оқиб ўтди бу ҳаётдан. Балки у ўлим тўшагида ётиб охири бор худодан умр тилагандир! Нега қодир худо унга умр улашмади? Нега унинг умрини ўғирлаб, Зокирни ҳам ҳозонига қулоғидан ботирди?

Нима бўлса бўлди-ю, бир ёш ниҳолга жабр, бир азамат йигитга қийин бўлди. Бир йигит бўламан, деб ёруғ дунёга келган гўдак бевақт нобуд бўлди. Балки ўша келин қиламан, деб ниятига етолмаган хоинлар Собирага жоди едирмаганларида, унинг гулгун чехраси сўнмасиди.

Наврўз РИЗАЕВ

«ЭРГАШГАН» ЧАҚАЛОҚ

БОЛАЛИКНИНГ БОЗОРИ

ЁХУД ЭРТА БОШЛАНГАН ТУРМУШ

Олимжон Тошкент шаҳридаги 8 мактабнинг 7-синфида ўқийди. Мен Олимжонни Чорсу бозорининг ёнидаги иш жойида, яъни уй безаклари сотадиган дўконда учратдим. У ёғочдан турли безаклар: шифтга қоқиладиган ёғоч гуллар, кокил, бурчак, хонтахта оёқлари, ўтиргичларга суяничқлар ясар экан.

— Олимжон, сен бу ҳўнарни бирон жойдан ўрганганмисан ёки ота касбингми?

— Бу боболаримиздан ўтиб келаётган касбимиз. Бобом ҳам катта уста ўтганлар. Дадам шу касб билан шуғулланади. Амакиларим ҳам анави дўконда бешик яшади. Мен ёшлигимдан бу касбга қизиқмаман. Асосан дадамдан ўрганганман. Бобомдай катта уста бўлсам дейман.

— Ишинг ўқишингга ҳалақит бермайдими, мактабда неччи баҳоларга ўқийсан!

— Ҳалақит бермайди, тушгача дўконда бўламан, тушдан кейин мактабга бораман. Баҳоларим «4»—«5».

— Материални қаердан олиб келасизлар, нархи қандай?

— Дадам ҳар жойдан олиб келади. Битта фанер 200—300 сўм.

— Битта фанердан нечта гул чиқади!

— Катта кичиклигига қараб: 2 тадан, 4 тадан гул чиқади. Нархи безагига, ҳажмига қараб турлича. Катта шифтга қоқиладиган гуллар 150 дан 300 гача бор. Хонтахтанинг оёғи 4 таси 80 сўм. Майда безаклар кокил, бурчак, чиқиқлар 3—4 сўмдан.

— Бир кунда нечта гул ясайсан ва қанча пулга савдо қиласан!

— Катта гулдан 5—6 та ясайман. Бир кунда 2000 дан 3000 гача савдо бўлади.

— Пулни нима қиласан!

— Дадамга бераман.

— Синфдошларинг ичида сенга ўхшаб бирон жойда ишлайдиганлари борми?

— Ойбек билан Умид ишлашади. Ойбек тижорат магазинида нарсалар сотади. Дадасининг магазини бор. Умид ҳам тижорат магазинида. Унинг ҳам дадаси магазинчи. Икковиям магазинчи бўлишмоқчи.

— Олимжон усталигингдан ташқари яна нималарга қизиқасан!

— Араб тилини ўрганипман. 5—6 та сурани ёддан ўргандим.

Олимжон тўла маънодаги яхшигина нақош бўлиб етишибди. У ясаётган безаклар уйингизга шарқона руҳ бахш этади. Қадимда нақошлар подшо саройларида, мачитларга зеб бериб катта шўҳрат орттирганлар, халқни ўз санъатларидан бахраманд

этганлар. Олимжон ўз санъати билан ҳалол пул топаяпти. Албатта, бу яхши.

Энди эса қуйидаги суҳбатга диққатингизни қаратинг. Суҳбатдошим Алишер. У газли сув сотади. 6-синфда ўқиркан.

— Ким сени бу ишга жойлаб қўйган!

— Дадам ишга кирасан, пул топасан дедилар.

— Дадам нима иш қилади!

— Кооперативчи.

— Қайси вақтларда ишлайсан!

— Мактабга боргунга қадар.

— Бир кунда қанча пул топасан!

— 600—800

— Пулни яхши кўрасанми!

— Ҳа, яхши кўраман, пул ўзи яхши нарсა-да...

Менинг кейинги суҳбатдошларим уddaбурон, топармон болалар бўлди. Улар 12—15 ёшлар орасида. Оғзида сақич, олдиларидаги, кутининг устига чет эл сигаралари, хориж крассокалари, кўйлақлар, тақинчоқлар ёйиб қўйилган.

— Нима билан шуғулланасизлар!

— Бизнес билан.

— Бу молларни ким олиб келиб беради!

— Акаларимиз бор. Биз фақат сотамиз.

— Битта молнинг устига қанча «шапка» кўясизлар!

— Кетишига қараймиз.

— Бир кунда қанча ишлайсизлар!

— «3» — «4» та тушиб туради.

— Пулни нима қиласизлар!

— Акаларимизга берамиз. Узимизнинг ҳам улушимизни олиб қоламиз.

— Пулга қизиқасизларми!

— Нималар деяпсиз?.. Конечно, пул бўлса қангалда шўрва, айниқса ҳозирги замонда. Пулинг бор, жонинг бор-да, ока...

«Бола бошидан» деган гап бор. Ҳар ким ёшликдан ўз меҳнати эвазига яшашни ўрганиб борса яхши, албатта. Бироқ инсоф, ҳалоллик деган тушунчалар ҳам бор-ку. Бугунги кўннинг пултопар болаларига ушбу сўзларни ўқитиб бўлармикан? Бойликка ортиқча хирс уйғонаверса, миллий ғурур, халқ, ватан деган тушунчаларга пўтур етмасмикан? Болалар катталардан ўрганади, улардан ўрнак олади. Гап катталарда...

Эгамназар ОСТОН,
ТошДД толиби



Суратчи: Ҳалим САИДОВ

...Қайтдим...

Йўқолган ўзимдан — йўқ ўзлимизга,
Дарбадар дайрининг бадавий боди.
Жомлар жодусидан банди руҳимга —
Алдандим, етар деб Ҳақнинг имоди...



Фиқх — инсон амалининг ташқи киёфасигагина алоқадор. У амалининг тўғри ёки нотўғри бажарилишининггина белгилаб бера олади. Дилининг ҳолатига аҳамият бермайдиган омил эса — тасаввуфдир. Айтайлик, фиқх таҳоратнинг қонунга мувофиқ ёки номувофиқ ҳолда олинганини, намознинг масжидул ҳаром тарафга юзланиб, ёки юзланмасдан ўқилганини, унинг барча руқнлари бажарилганини ёки бажарилмаганини текширади. Агар намознинг барча руқнларини тўла адо этсангиз, намозингиз фиқхий тарафдан комил бўлади. Тасаввуф дилининг шунингиз шу намоз пайтидаги ҳолатини текширади. Парвардигорингизга сиғинаяспизми — йўқми? Дилингиз дунё ишларидан ва ғамларидан холи бўлди — йўқми? Намоз дилингизда Оллоҳдан қўрқиб, унинг ҳар бир нарсани кўриб, билиб туришига ишониш,

унинг юзини умид қилиш туйғусини пайдо қилди — йўқми? Рўҳингизни қанчалик поклади? Ахлоқингиз қанчалик юксалди, ўзингиз қанчалик имон тақозоси билан иш қиладиган содиқ мўъминга айландингиз? Намознинг ҳақиқий ғояси бўлмиш мана шу ишлар сизда қанчалик ҳосил бўлса, намозингиз тасаввуф жиҳатдан шунчалик комил бўлади, қанчалик ҳосил бўлмаса, шунчалик ноқис бўлади. Бошқа шаръий ҳукмларда ҳам фиқх амалининг ташқи киёфасига, тасаввуф эса дилдаги самимийлик, сидқидиллик, соф-

нинг ҳаёти гузал бўлади. Юзаки амал яхши бўлиб, ички олами бузуқ бўлган киши руҳидан ажраган жасад қабиридир. Ички маънавиятлари камолга етгану, ташқи амали кўзда тутилгандек яхши бўлмаган киши — ўзи яхшию лекин юзи хунук, кўзи кўр, оёғи чўлоқ одам қабиридир.

Мана шу мисол орқали фиқх билан тасаввуф орасидаги фарқни билиб олишингиз енгиллашади. Лекин охири ғайтларда рўй берган илм ва ахлоқнинг тубанлашиб, инқирозга учраши дилларни тилка-пора қилиб, кўз-

хаёлларни нодон сўфийлардан эшитиб қоласиз. Буларнинг ҳаммаси аслида хурофот ва ўйдирмалардан бошқа нарса эмас. Суфий одамга Оллоҳ ва пайғамбар алайҳиссалом баён қилган иқтисодий, ижтимоий, ахлоқий, ҳуқуқий вазифалар, ҳалол, ҳаромни ажратиш ҳукмларидан бирортасига зид иш қилиши, намоз, рўза, закот, ҳаж каби ибодатлардан озод бўлиши мутлақо мумкин эмас. Муҳаммад алайҳиссаломга эргашмаган, у киши даъват этган маслакни қабул этмаган киши ўзини исломий сўфий деб ном-

ТАСАВВУФ

Фиқх ҳақида маълумот олгандик, раҳмат. Тасаввуфни ҳам тушунириб берсангиз.

У. КИРҒИЗОВА
Фарғона вилояти

дилликка аҳамият беради.

Фиқх билан тасаввуф орасидаги фарқни ушбу мисолдан билиб олишингиз мумкин, олдингизга бир одам келса, унга икки тарафдан назар қиласиз: Бир тарафдан унинг ташқи киёфасига — баданига, аъзоларининг тўлаллигига, кўрлик, соқовлик каби камчиликларнинг бор-йўқлигига назар ташлайсиз. Иккинчи тарафдан эса, унинг ахлоқини, одатини, хислатини, илмини, ақлини, маънавиятини билмоқчи бўласиз. Шунингдек, биров билан дўст бўлмоқчи бўлсангиз, унинг иккала тарафи — ташқи киёфаси ҳам ички маънавияти ҳам яхши бўлишини хоҳлайсиз. Шунингдек, ислом назарида ҳам шариат ҳукмларига ички ва ташқи тарафдан тўла эргашган киши-

ларни ёшлатмоқда. Ушбу инқироз натижасида чидаб бўлмас даражада бузуқликлар, номаъқулчиликлар пайдо бўлганди. Мусулмонлар ғайринисоний, залолатдаги халқлардан бир қанча фалсафаларни ўрганиб, уларни тасаввуф номи билан исломга кириштириб юбордилар. Тасаввуф номини Қуръон ва суннатда умуман бўлмаган, бир қанча эътиқод ва маслак сифатида тадбиқ қилдилар. Кейин бу эътиқоддагилар ўзларини исломдан торта бошладилар ва тасаввуф билан шариатни бир-бирига мутлақо алоқаси бўлмаган, бегона икки нарса, сўфий одам эса шариатнинг қонунини ва ҳукмларига риоя қилиши шарт эмас, деган ўйдирмаларни тарқатишди. Сиз кўпинча бунга ўхшаш ўйдирма, хом

лаши мумкин эмас. Зеро исломда бундай тасаввуфнинг ҳиди ҳам йўқ. Исломи тасаввуф — Оллоҳ ва пайғамбарни яхши кўриш, бор вуқудини уларга бағишлашдир. Бу муҳаббат ва бағишлов мусулмоннинг пайғамбар алайҳиссалом келтирган ҳукмларидан қилча ҳам чиқмаслигини тақозо этади. Демак, холис исломий тасаввуф шариатдан бошқа алоҳида нарса эмас, балки шариатнинг ҳукминини ғоята самимийлик, софдиллик ва ихлос билан адо этишдир.

«Ислом асослари»дан

ҚАЮ МУҚАДДАС КИТОБЛАР БОР?

Муқаддас китоблар юздан ошқ дейишади. Шу راستми?

С. НАМОЗОВА
Хатирчи тумани

Савол: Аллоҳ таолонинг китоблари нечук китоблардур? **Жавоб:** Аллоҳ таолонинг ўз пайғамбарларига юборган китобларидур. **Савол:** ул китобларни Аллоҳ таоло нима учун юборишдур? **Жавоб:** ушбу китобларда ёзилган дин ва шариат ҳукмларини қавмларига ўргатсинлар деб юборишдур. **Савол:** пайғамбарларга неча адад китоб келмишдур? **Жавоб:** жами 104 китоб келмишдур. **Савол:** қаю пайғамбарларга китоб келмиш ва ҳар бирига неча китоб келмиш? **Жавоб:** Одам алайҳиссаломга 18 арақ, Шис алайҳиссаломга 50 арақ, Идрис алайҳиссаломга 30 арақ, Иброҳим алайҳиссаломга 10 арақ келмишдур, ушбу 100 арақ, 100 китобга ҳисоб қилинур. Ва яна Мусо алайҳиссаломга Таврот отлиг китоб, Довуд алайҳиссаломга Забур отлиг китоб, Исо алайҳиссаломга Инжил отлиг китоб, Муҳаммад алайҳиссаломга Қуръон отлиг китоб келгандур. **Савол:** ушбу китобларда на нарсалар ёзилмишдур? **Жавоб:** ҳар турли ваъз ва на-

сиҳатлар ва ҳар тариқа фойдалиқ қисса ва ҳикоялар, дуо ва ибодат учун керак бўладурғон сўзлар ва одамзоднинг дунёда ва охирада роҳатланмоқларига сабаб бўладиган ҳукмлар ёзилмишдур. **Савол:** ҳар бирида бор шариат ҳукмлари бир-бирига мувофиқ бўлурми ё бир-бирига мухолиф бўлгандур? **Жавоб:** кўп ҳукмлари бир-бирига мувофиқдур, ичиди баъзи ҳукмлари бир-бирига мухолиф бўлгандур ҳам бордур. **Савол:** на учун ул китобларнинг ҳар қаю ҳукмлари бир-бирига мухолиф бўлади? **Жавоб:** чунки китобларнинг сўнгра келгони замонасига ва ҳалойиқнинг одат ва қобилиятларига қараб, аввал келган китобнинг баъзи ҳукмларини мансўх қилгай, яъни тағайир бериб тўхтатгай, шул сабабдан сўнгра келган китобларнинг баъзи ҳукмлари аввалги келгон китобларнинг ҳукмларига мухолифга ўхшаб кўринадур.

«Ибодати исломия»дан



ДУОСИЗ ЙЎЛГА ЧИҚМАЙМАН

Уқишга кирган йилим эди. Гуруҳимиз раҳбари «Икки кун ичиди «Меҳнат дафтарча»ларининг олиб келинлар», деди. Уша кунёқ йўлга чиқдим... Эртаси кунни уйга кириб борганимда онам узоққа яқин қариндош-мизникига тўйга кетган эканлар. Дафтарчани олиб шу кунни Деновдан поездга чиқдим.

Тошкентга қайтапману кўнглим негидир хижил. Нимагайлигини билмайман.

... Кўзим энди илинган экан бир маҳал кулоғим остида ниманидир чилчил сингани эшитилди. Қарасам вагон ойнаси синибди. Деразадан ичкарига тинимсиз совуқ шамол ёпирилиб кирарди. Кузатувчидан аёл олиб де-

разага тутиб кўйдик. Барибир манзилгача етгунча этларим жунжикиб ухлай олмадим. Ҳароратим кутарилиб, совуқ сув ичгим келарди.

Ижара хонамга бориш учун автобусни бирор соатлардан ортқ кутдим. Бундан олдин ҳам уйга бориб-келиб юрардим. Лекин, бу галгидек қийинчиликларга дуч келмаган эдим.

Хонада ўтириб узоқ ўйлаб шуни англадимки, ҳар гал сафарим олдиндан онам кўлларини очиб менга оқ йўл тилаб фотиҳа берардилар. Шу сафарги қайтишимда онамнинг дуосини ололмагандим...

Бахтиёр ТИЛЛАЕВ,
ТошДД толиби

ҲИЖОБДАГИ ҚИЗ

Метрога тушдим... Одам унчалик тикилинч эмас. Чорсу бекатидан бир қиз вагонга кирди. Оппок либосга ўранган, бир жуфт кўз ҳаё, ибодат атрофга сокин назар ташлайди. Беҳтиёр атрофга кўз ташладим. Бир қиз ўзича бурнини жийирди. Елкасига учма-уч тушиб турган ярим жингалак сочларини бармоқлари билан ҳузури қилиб таради. Дугонаси билан ўғринча кўз уриштирди, ҳиринг-ҳиринг қилишди. Бир оғиз гап ортиқча. «Ғафур Ғулом»га келди. Биров тушди, биров чикди, кетяп-миз. Ҳижобдаги қиз ўз хаёллари билан банд эди гўё. Ким билади? Балки тасбеҳ айтаётгандир. Балки ундан кулган, кўнгли кўзини мудроқ уйку босган тенгдошларини инсофга чорлаётгандир. Уларнинг ҳам бир кун келиб ҳақ йўлни топишларига умид боғлаётгандир.

Кузатишда давом этаман. Анави жувон унга ҳавас билан қараётгани, ўз ҳолатидан уялинирагани, хижолат чекаётгани сезилиб турибди.

Иигитларнинг одатий шилқим гап-сўзлари, ўйноқи кўз қарашлари бу қизга нисбатан тийилган. «Алишер Навоий» бекатида яқинлашиб қолдик...

Давр ҳавосида кезинаётган руҳий покларни нафасини оппоқ рўмолларни замон мўдаси учун эмас, балки покиза ниятларни кўнглига жамлаб, иймонига путур етишдан, гуноҳи азимга ботишдан ҳайиқиб ўраётган қизлар нигоҳига ўхшатгим келди.

«Алишер Навоий» бекатида уни йўқотиб қўйдим. Ҳижобдаги қизлар битта эмас эди...

Баҳодир КАРИМ

МЎЪЖИЗА! МЎЪЖИЗА! МЎЪЖИЗА!

Утган ҳафта Тошкентдаги Тўқимачилар Маданият саройи чиндан ҳам мўъжизалар майдонига айланди. Ҳа, ишонаверинг, Андижон вилояти Пахтабод туманидаги Улуғ Ватан уруши II тоифа ногирони Мухторжон Ҳакимов номидаги ишлаб чиқариш ва тижорат кичик корхонаси «Мўъжизалар майдони» ўйинини қайта ташкил этди. Ўйин ҳаяжонга тўла, қутилмаган сюрпризларга бой вазиятда ўтди.

Биринчи ўйин, Мухторжон аканинг илтимосига биноан, тарихимизнинг бугунги масъулиятли дамларида Ватан учун жонини аямаган юртдошларимизни хотирлаб, келажагимиз йўлида уларнинг руҳларидан мадад сўраш ниятида Улуғ Ватан уруши мавзусига бағишланди.


Мусобақа иштирокчилари залда ўтирган тамошабинлар орасидан савол бериш йўли билан танланди. Саволларга тўғри жавоб топган 8 томошабин (ҳар бир гуруҳда уч кишидан) финал ўйинига чиқиш учун кураш ҳуқуқини қўлга киритди. Тўққизинчи ўрин ўйинда қатнашиш иштиёқида ёнаётган ишқибозлар ўртасида ким ошди савдосига қўйилди ҳамда 2600 сўмга сотилди.

Дам олиш ва яйраб ўйнаб-қулиш мусобақаси тантанали, ҳушчақчақ руҳда бошланди. Ушбу руҳ ўйин давомида тобора кучайиб борди. Дастлабки тур мукофотлар, ғолиблик совғаларига бой бўлди. Ғолиблар пул мукофотлари, энг замонавий телефон аппарати, шамсия, биллур сувенир, хон атлас ва ҳоказоларни қўлга киритишди. Бухоролик ўқитувчи Рашид Эсонқулов финал ғолиби бўлди ва катта ўйинга жаҳд қилиб, Японияда тайёрланган «Фишер» видеомагнитофони ютиб кетди. Қизил, домланинг тан олишича, у кишини бу ерга толиба қизи қўярда-қўймай «бўйнидан етаклаб» келган экан.

Ва ҳаммасидан ҳам томошабинлар мириқишди. Ўйин давомида уларнинг руҳини жўшқин кайфият эгаллаб, маза қилиб дам олишди ва 13 декабр кўни бўладиган навбатдаги ўйинга албатта келиш ниёт қилиб, зални тарк этишди.

Дарвоқе, чипталар Тўқимачилар Маданият саройи кассасида сотилмоқда. Жамоа бўлиб келиш учун бўйртмалар қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси-45. Маълумот учун телефон: 53-36-63.



ЕРДАМГА КЕЛДИ

Йўлқиралар ошгандан-ошиб, «чўнтак»нинг бир томонини кўпориб кетётгани одамга алам қилади. Тўғрими?! Лекин ўрисиялик йўловчилар бундан қутулишнинг осон йўлини топишди — поездларда патта олишни йиғиштиришди. Бу ҳодиса Ўзбекистон темирйўлчилари учун ҳақиқий офатга айланди. Йил бошидан буён 2 миллион йўловчига салкам 29 миллион рубл жарима солинди. Лекин асосий «қўёввой»лар оилаб бемалол паттасиз сайр қилиб юришибди.

Темирйўлчилар сўнгги чорага ўтишди, — ҳамкорлик хусусида мелиса билан шартнома тузишди. Энди поезд ва электричкаларда йўловчиларнинг паттаси мелиса ёрдамида текширилади.

ЖИМЖИЛОҚНИНГ ҚАДРИ...

Москов шаҳри туғруқхоналаридан бирида бир-биридан ширин эгизак — орасингил туғилди. Ота-она улардан бирдан воз кечди. Дўхтирлар чақалоқларни ажратмаслик учун кўп уринишди, лекин ота ва она бўлмиш кўнмади. «Бировини олиб кетамиз! Майиб чақалоқ керак эмас бизга», деб тўриб олишди улар. Дарвоқе, иккинчи чақалоқнинг жимжиллоғининг бир бўғини йўқ экан.

КОИНОТМИДИ!!

Чорраҳадан ўтаётганда сариқ чироқ ёниб қолиши, одатда ҳайдовчиларда икки хил фикр ўйғотади. Звёздний — фазогирлар шаҳарчасидан Москвага келиш йўлидаги чорраҳалардан бирида ҳам худди шундай воқеа содир бўлди. Гинес китобининг рекордчиси Муса Манаров сариқ чироқда ўтиб кетишга қарор қилди. Бироқ олдиндаги ҳайдовчи ёрдаги қонун-қоидаларга кўра тўхтади. Оқибатда Муса Манаров иккала машинани ҳам тузатиш харажатига тушди.

ЕШ АВЛОД ТАНЛАЙДИ

Карелиядаги Лоухи шаҳарчасида юқори синф ўқувчилари ўртасида сўров ўтказган журналистлар жавоблар натижасини кўриб қаттиқ ўйланиб қолишди. «Ваучерингизни сиз қайси соҳага қўйишни мўлжаллаясиз?» деган саволга ўқувчиларнинг 65 фоизи маҳаллий исловатхонага, 20 фоизи эса пиво заводига қўйман деб жавоб берди. Деҳқон ва тижоратчи бўлишни истовчилар эса ўнтадан битта экан.

ДИРЕКТОР БЎЛИНГ

«Роҳат-фароғат шаҳри» — Сочида катта машмашали воқеа содир бўлди. Сабаби: 9 квадрат метр майдонга эга «Элгант» номли модалар уйи сув текинга солиб юборилди. У 3 миллион 900 минг рубл эвазига корхонанинг собиқ директори Людмила хоним Иванованинг мулкига айланди. Экспертларнинг айтишича бино энг арзон баҳоланган тақдирда 250—300 миллионга сотилиши керак экан. (М—Э)

63 ЕШДА



63 ЕШДА

4 ўғил ва 3 қизнинг отасиман. Ҳаммалари ўзларидан тинчлишган. Сирдарё вилоятида, 4 хонали уйда ёлғиз турман, ишламайман. Нафақага чиққунимча хизматчи бўлиб ишлаганман. Хотиним вафот этганига 4 йил бўлди. Еши 50 гача бўлган, покмиз, рўзгорни эплайдиган аёлга ўланмоқчиман. «Оила-132» хатларингизни кутади.

Фарғонада яшайман. Кампирим узоқ касалликдан сўнг вафот этган. Уйимда шаронглар етарли. Болаларим йўқ. Пенсиядаман, шу билан бирга совхозда боғбонлик қиламан. «Жигули» автомашинам бор. Ҳали бардаммай. Ёлғизлигимда ниссиқ-совуғимдан, оғир-енгилимдан хабардор бўладиган, меҳрибон аёл бўлса, қолган умримизни бирга, тинч-тотув ўтказсак дейман. «Оила-133» ўз жуфтини кутмоқда.

Суратчи: С. МАҲКАМОВ




ҚУЧҚОРЖОН 25 баҳорингиз билан табриклаймиз. Умрингиз тотли дамларга қўйилсин. Бахтли бўлинг. Дўстларингиз КОМИЛ, ЭРКИН.

Таниқли журналист, ажойиб шоир Эркин Негматов 50 ёшга тўлди. Дўстимиз, ҳам-



касбимизга соғлиқ-саломатлик, узоқ умр, ижодий парвозлар тилаймиз. **УРОЛ УТАЕВ, ТУЛКИН ХАЙИТ, ҲАМИД ҲАБИБУЛЛАЕВ, ҒУЛОМ ҒАФУРОВ, ШАРИФ УЗОҚОВ, БАХТИЕР МУҲАММАДИЕВ, РЎЗИ БОЙ ҚУЛДОШЕВ.**





ТУҒМА ОҚСОҚЛИКНИ ХУДО БЕРГАНМИ?



Аъзам Ахматов — 38 ёшда. Тўрт нафар фарзанди бор. Самарқанд тиббиёт олийгоҳининг травматология-ортопедия ва ҳарбий дала жарроҳлиги кафедрасида ишлайди. Тиббиёт фанлари номзоди. Номзодлик ишини икки йил аввал Бишкекда ёқлаган. Энг муҳим жиҳати, бу диссертация мавзу жиҳатидан собиқ Совет Иттифоқида биринчиси эди. Устози Ўзбекистон травматология-ортопедия илмий текшириш илмгоҳининг директори, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори профессор Тоштемир ака Унгбоев. «Шу инсон таъсири бўлмаганида мен эришган натижа дунёга келмаган, ўзим эса қишлоқлардаги бирор амбулаторияда оддий ҳаким бўлиб ишлаб юрган бўлардим», — дейди у.

— Аъзам ака, ёқлаган илмий ишингиз қандай номланади?

— «Уч ёшгача бўлган болаларда учрайдиган чанок бўғимининг тумма чиқишини қонсиз даволаш».

— «Қонсиз» деганда нимани кўзда тутасиз?

— Жарроҳликсиз (операциясиз) даволаш усули. Бу илмий ишнинг бир томони, яна бир асосий жиҳати касал-

лик эрта аниқланади. Чақалоқ 3-4 ойлик бўлганига қадар махсус йўргаклаш, турли мослама (шина)лар ёрдамида, кейинчалик эса гипсли бойлашлар ёрдамида даволаймиз.

— Чақалоқ юра олмайди-ку, ундаги оқсаб нуқсонини қандай билмиш мумкин?

— Чақалоқ туғилганда, 4-5 ойлигида ҳамда талафот бўла бошлаганда ота-оналари ортопед назоратидан ўтказишлари, қоматда номутаносиблик ёки бирор нуқсон кузатишганда ортопед ҳакимга мурожаат қилишлари зарур. Афсуски, кўпчилик ота-оналар боласида нуқсон сезишганда «яхши бўлиб кетар» деган ҳаёлда мутахассисларга учрашишмайди. Боланинг юриш вақти етгач, унинг юрмаётганини кўрган ота-она шундагина бизга учрайди. Бундан анча кечикиб, даволаш қийинлашган бўлади. Бизнинг даволаш усулимиз уч ёшгача бўлган болаларга мосланган.

— Уч ёшдан кейин даволаб бўлмайди-ми?

— Умуман олганда олти-етти ёшгача даволаса бўлади. Лекин энг яхши натижага эришиш учун эрта даволаш керак. Уч ёшгача жарроҳликсиз даволаса бўлади. Ундан кейин эса...

— Жарроҳлик билан даволаш қандай кечади?

— Суяк сунъий равишда синдирилади, зарур бўлса кесилиб қисқартирилади. Сўнг жойига қўйилиб гипсланади. Табиийки, бунда бемор қаттиқ азоб чекади.

— Яна юқоридаги, яъни чақалоқни назоратдан ўтказадиган ортопед мутахассислар хусусидаги фикрга аниқлик киритсак фойдадан холи бўлмас. Чақалоқдаги нуқсонни поликлиникалардаги ҳамма травматолог-ортопедлар ҳам билмаса керак!

— Тўғри, вилоят ва туман поликлиникаларидаги ортопед мутахассислиги штатини бош врач ўринбосарлари (умумий жарроҳлик билан шуғullanувчи ҳакимлар) эгаллаб, бу соҳада зарур бўлган амалий ишни бажара олмайдилар.

— Демак, талабгор қаерга ва қимларга учрашиши керак!

— Вилоят ва шаҳар ортопедия ва травматология шифохоналаридаги масъул кишиларга учрашишлари лозим бўлади.

— Номзодлик илмий ишингизнинг бошқаларникидан яна қандай фарқи бор?

— Юқорида айтдим: чақалоқдаги нуқсонни эрта аниқлаш. Илгарилари тўрт-беш ойликкача чақалоқдаги нуқсонни рентген нурлари кўрсата олмасди. Чунки бу пайтда тоғай суякка айланмаган бўлар, тоғайни эса рентген нурлари кўрсатмасди. Ташхис қўйиш ва даволаш таҳминан бажариларди. Бизнинг ишдаги янгилик ана шунда: ултраовуш тўлқинлари орқали чақалоқдаги чанок-сон бўғимининг номутаносиблигини аниқлай оламиз.

— Ўзбекистонда бундай туғма ногиронларнинг сони қанча?

— Ҳар мингтага 9—10 нафар туғри келади.

— Бу озми ё кўпми?

— Кўп.

— Чақалоқ нега шундай туғилади?

— Асосий сабаб қилиб ижтимоий ҳаётнинг оғирлигини (турмуш етишмовчилигини) таъкидласа бўлади. Яъни она рўзгорини бут қилайин деб ҳомиладор пайтида ҳам оғир ишларда — қолхозда оғир кетмонда, завод ва фабрикаларнинг оғир дастгоҳларида ишлайдилар. Қолаверса, жамиятимизнинг бир «оқилона» кўрсатмаси борки, она туғишига эллик олти кун қолгунча ишламоғи шарт ва зарур. Акс ҳолда касаллик варақаси берилмайди.

— Сизнингча, бунинг учун қанча вақт белгилаш керак!

— Касбига қараб. Қолхозчи аёллар оқлик даврининг 4—5 ойлигиданоқ оғир жисмоний меҳнатдан озод қилинишлари керак. Чунки 4—5 ойлигида ҳомила она қорнидан зарур шаклни олиб биологик жиҳатдан ўсиш ва ривожланишининг асосий жараёнилари бошланади. Бу даврда ҳомиладор онага зарур шароит яратилса бўл-

ғуси фарзанд ақлий ва жисмоний жиҳатдан баркамол бўлиши мумкин.

— Аёлларга, жумладан, ўз аёлининг соғлигини, бўлғуси фарзандининг нуқсонсиз бўлиб туғилишини ўйлайдиган отага қандай маслаҳат берадигиз?

— Эр ўз аёлини ҳар қандай оғир меҳнатдан озод қилиши керак. Иккинчидан, бизда ҳомила ўзидан белги берса ёки аёл бетоб бўлсагина поликлиникаларга борилади. Ривожланган мамлакатларда бўлғуси келин-куёв тўй куниданоқ тиббий назоратга олинади ва доимий кузатувда бўлади. Ҳозирча бундай шароитимиз йўқ экан, аёл ҳеч бўлмаганда ҳомила сезилмасдананоқ мутахассислар назоратида бўлиб туриши лозим.

— Айримлар оқсоқликни худо беради дейишади. Бу гапга фикрингиз!

— Илгари табиблар одамдаги бу нуқсонни даволай олмаганлар. Одамлар ҳам шундай яшаш керак деб ўйлай бошлашгач, оқсоқликка нисбатан бу давосиз деган ҳаёл билан лоқайдлик келиб чиққан. Қўча-қўйда оқсаб юрган кишиларнинг кўпчилиги лоқайдлигимиз меваси.

— Ҳозир беморларингиз кўпми?

— 60 беморга мўлжалланган тўшақ бирор кун бўш қолмайди. Ҳатто, навбат кутиб қолишади.

— Суяк ҳақидаги гаплардан келиб чиқиб яна икки саволимга жавоб берсангиз. «Суяги қотган» деган иборага илм қандай қарайди? «Суяги қотиши» ни ўсиш маъносиде ишлатса бўладими?

— Бу гапда асос бор. 13—14 ёшда суяк маълум шаклни эгалласа-да, ўсиш 25—27 ёшда тўхтабди. Усишдан тўхтаган суякнинг «қотиши» ҳам шу маънони беради.

— Болалар суяги нега нозик бўлади, қариялар оёқ-қўли нега кўп оғирлади?

— Умуман олганда суякка оқсиллар эластиклик, минерал тузлар қаттиқлик беради. Чақалоқнинг суяги оқсилга бой бўлиб минерал тузлар етишмовчилиги кўп учрайди. Шунинг учун суяк эгиловчан бўлади. Синганда ҳам суякнинг қобиғи бутун қолиб, танаси синади. Қариликда эса оқсиллар билан минерал тузлар мутаносиблиги бузилади. Оқсиллар қамайиб тузлар миқдори ошиб кетади. Натижада суяк мўртлашади. Бўғимларда тузларнинг тўпланиши билан боғлиқ хасталиклар кўпаяди. Бу асосан 40—50 ёшдан кейин бошланади.

— Бу дарддан фориг бўлишининг йўли борми?

— Қариликка даво йўқ. Лекин оқсат тартибига риоя қилинса, анирроғи, гўштли, ёғли, тузланган таомларни, спиртли маҳсулотларни кам истеъмол қилиб қўқатлар, шарбатли ичимликлар, мева ва сабзавот, сут ва углеводларга бой бўлган маҳсулотлар билан озиқланилса, қарилик дардсиз ўтиши мумкин.

— Келгусидаги режаларингиз!

— Эрта аниқлаш, олдини олиш ва энг тежамлиқ жарроҳлик усулларини жорий қилиш устида ишлаш.

— Тиббиёт илмгоҳида ҳам дарс берсангиз керак!

— 4—5—6 курс талабаларига травматология-ортопедиядан сабоқ бераман.

— Охирги савол: сизнингча, жумҳуриятимиздаги жами ҳакимларнинг неча фоизи малакали мутахассислар?

— 30—40 фоизи бўлса ҳам катта гап.

— Аъзам ака, мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.



СТАЛИН «КУШХОНАСИ»ДАН

лингдан осиладиган замон эди. Илоийм ўтгани рост бўлсин.

Бироқ ўтмаган экан...

Озод қилиш ўрнига унинг кўкрагига С.Я.863 маҳбуслик рақамини илшиди. Жезқозғон лагерига олиб келишди. У ерда ҳар хил миллатдаги одамни учратиш мумкин эди. Барчаси мис қазиб олин-диган шахтада қуллардек иш-лашарди. (Баъзи давлатларда қулларга ҳам бунчалик беаёв муносабатда бўлишмаган, ишига яраша оз бўлса-да ҳақ беришарди.) Шуларнинг орасига ўзбеклардан ҳам битта «маҳбус» келиб қўшилди.

Ҳаёт ит ётиш мирза турши. Очликка чидай олмай нобуд бўлганлар қанча. Одам паш-шадек қириларди. Отажон ака ҳам ана шундай қурбон-ларнинг бири бўлиши ҳеч гап эмасди. Очликдан ша-қирлаган устихон бўлиб, те-риски юпқаланиб қовурғасида нечта суяк бўлса барисини санайдиган даражага бориб қолди. Тепадан тушган тош яхшиям бошига тўри кел-мабди. Госпиталда немиш жарроҳининг яхши давола-нидан синган оёғи тўзалиб кетди. Бўлмаганда госпитал-га шикастланиб тушадиган-ларга бефарқ қарайдиган Масловнинг бир оғиз сўзи билан оёқсиз қолиш аниқ эди.

Отажон ака бошдан кечир-ганларини бир бошдан гапи-риб бераркан, бирдан тўх-таб:

— Э-э, укам, сизга бир нарсани кўрсатмабман-ку, — деб ичкари хонага кириб кет-дилар. Қўлида рўмолга ўрал-ган тўрт бурчак нарса билан чиқдилар:

«Бу мен — ўн олти йиллик ватангадонинг азоб-уқубат-ларда юрган кезларимдан қолган бирдан-бир эсдалик. Уни бир ҳўкиз баҳосига сў-рашди. Бермадим».

Бир ҳўкизга алмаштиргу-дек нима бор экан бу рў-молда?

Қарасам, шахмат тахтаси. Қизик, пиёдалар — немиш аскарлари шаклида (қиёфа-сида). Шоҳ — худди тирик шохдек. Отни айтмайсизми. Унга тикилиб зерикмайсан киши. Дубданми, қандайдир қаттиқ дарахтдан нафис ва гўзал қилиб ясалган шахмат доналарининг ҳар биттасини бир санъат асари дейиш мум-кин. Отажон аканинг айти-шича, худди шундай шахмат дунёда санокли — иккитаги-на экан. Шахматнинг битта-сини БМТнинг ўн бешинчи ассамблеясидаги кўргазмада намойиш қилиш учун Хруш-чев ўзи билан олиб кетган. Буни қарангки, белгиялик ҳукумат раҳбарлари шахмат «киждокори»ни дарҳол та-ниб қолишади. Сўраб тагига етишса, ҳақиқатдан ҳам уруш пайтида йўқолган ўзларининг генераллари, шу ернинг ўзи-да уни қайтариб беришлари-ни талаб қилишади.

...Немиш генерали форма-сида қаршисида турган сало-батли бу одамни Отажон ака аввалига таний олмади. Ота-жон, деб ёнига қақириб қўли-га мана шу шахматни тутқаз-гандан кейингина ўзи билан

бирга ётиб, бирга туриб юрган немиш маҳбусини та-ниди.

«Бу ерлардан эсон-омон чиқсанг мана шу шахмат орқали мени ва мен билан кечирган кунларингни эслаб юрасан. Сенга эсдалик бу — йўқотма.»

1964 йил 22 август. Бу кун-нинг келиши Отажон Полво-новнинг етти уҳлаб тушига ҳам кирмаган. СССР Олий Совети сессиясида уларни озод қилиш ҳақидаги қарор қабул қилинганини эшитиб юраги ёрилаёзди. 1965 йил-нинг ўрталарида ўз она юрти — Хоразмга қайтди. Бу кунга етгунча собиқ Итти-фоқнинг бир қанча лагерла-рида азобли ҳаётларни боши-дан кечирди. Мордова АССРда тайганинг қаҳратон кишида дарахт кесди. Ко-мида бўлди... Ун олти йил ичида у кўп нарсасидан аж-



ралган эди. Энг асосий-си — онасидан. Йигитлик кучини, йигитлик ғайратини онасининг хизматларига сарфлаёлмади. Дунёдан тўй-май кўзи очик кетдиёв воли-дамнинг, деб қуйнади шўр-лик.

Онаизор фарзандининг қайтиб келишидан аллақа-чонлар умидини узиб унга аза очиб, дунёдан армон би-лан кўз юмган эди.

Бундан уч йил олдин 28 сентябр кун Отажон акага КГБдан қақирув қоғози кел-ди. Уни ўқиши биланоқ юра-ги ўтмишга, 50-йиллардаги муҳмиш замонга тортиб кет-ди. Қақирилган жойга бор-ганда юзи доқадек оқариб кетганди.

— Отажон ака, қўрқманг, бардам бўлинг. Табриклай-ман, отангиз оқланди.

Бу сўзлар Отажон акани бутунлай сескантириб юбор-ди. Томоғи тўлиб, кўзлари-дан дув-дув ёш тўкилди.

МА-НА, ҲА-ҚИ-ҚАТ БОР ЭКАН-КУ!

Ҳа, ҳақиқат қарор топди. Аммо жуда кеч! Чунки энди ҳақиқат Отажон аканинг умр бўйи муҳрланган азобли хо-тираларини ўчирилмайди. Фарзандига аза тутиб, дунё-дан кўз юмган Онаизорни жисман тирилтирилмайди.

Бироқ барибир, ҳеч бўл-гандан кеч бўлгани ҳам аф-зал экан.

Уни отишга ҳукм қилган эдилар. У эса орамизда.

Азамат САФАР

ТИРИК ЧИҚҚАН ЎЗБЕК



Суратчи: С. МАҲКАМОВ

Бош муҳаррир:
Абдуҳошим
ИРИСБОЙ

ТАҲРИР
ҲАЙЪАТИ:

Қуллан ОЧИЛ
Жуманазар
БЕКНАЗАР
Дадахон
ЕКУБОВ
Муҳаббат
ИБОДОВА

Тўлқин ҲАЙИТ
Юсуф ЗИЁД
(Бош муҳаррир,
ўринбосари)
Ботир ЭРНАЗАР

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:

Бахтиёр
ЭГАМБЕРДИЕВ
Қувондиқ
БЕРДИЕВ
Мейли
ИУЛДОШЕВ
Рўзимат
САФОВ
Абсалом
УСАНОВ
Урол
ЎЗБЕК
Аскар
АЛЛАБЕРДИЕВ
Абдумуталлиб
РИЗОКУЛОВ

Тахририят
келган хатларга
ёзма жавоб
қайтармайди.
Шунингдек,
фуқаролар
билан
ташкilotлар
ўртасида
воситачилик
ҳам қилмайди.

Газетамиздан
олинган
маълумотлар
«Оила ва
жамият»дан
деб кўрсатилиши
шарт.

Газетамиз
ҳомийлари —
Тошкентдаги
СЭВИЖ
тижорат жамияти,
Ғаллаорол
туманидаги
«Ғаллаорол»,
Муборак
туманидаги
Хитой давлат
хўжалиги,
Сирдарё
«Оқ олтин»
дон маҳсулотлари
корхонаси
МАНЗИЛИМИЗ:

700029,
Тошкент — 29
Намойишлар
хизмати,
1-бино.
Телефон:
39—43—95
Обуна
индекси 4654
Буюртма 42

Ўзбекистон
Республикаси
«ШАРҚ»
нашриёт —
матбаачилик
концерни
Тошкент шаҳри

Қўрққанга қўша қўриня

МИРУСМОН БУВАНИ
ХОТИРЛАБ

Маманиёз медицина кўригидан ўтолмади. Дарди ҳалила безгак панд берди. Тилмоч Ботулла обзий ФЗУ — фабрика ва заводлар учун турли касб-ҳунар эгаларини тайёрлаб берувчи билим юрти эканлигини тушунтириб, уни ўқишга кўндириб қўювди. Афсус...

Қишлоққа қайтар экан, уни ФЗУга юборишдаги тушунмовчиликлар, галваю ҳангомалар ёдига тушиб, наъша қилди.

...Уша кунни Маманиёз Қапчиғай адиридан шувоқ чопгани кетаётганди. Кимдир чақиргандай бўлди. Беҳтиёр тўхтади. Мирусмон тоға отда келарди.

— Жиян, раис сени йўқлапти. ФЗУга жўнатаркан.

— Амаки, ФЗУси нима ўзи, — қўрқа-писа сўради.

— Билмасам, армия-пармияга ўхшаган бирор нарса бўлса керак-да...

Маманиёз гарангсиз қолди. Дадасидан келган «қора хат» ёдига тушди, ҳарнечук хўрлиги келиб, кетмон билан арқонни улоқтириб Арчамозор тоғига қараб қочди. Чопар қувди. Еш эмасми, ҳаш-паш дегунча Силлиқтошга тирмашди. От тошинқираб баланшликка юролмади. Мирусмон тоға яёв чопишга мажбур бўлди. Бироқ, Маманиёзни қўйиб етолмаслигига ишонгач, найранг ишлатиб бор овози билан бақирди:

— Тўхта, отаман!
Арчамозортоғи ҳам ўз наъбатиде акс-садо берди.

— Тўхт-таа! Ота-ма-н! Ота-ман!

Маманиёз таққа тўхтади. Ортига қараса, Мирусмон тоғанинг қўлида тўппонча. Тепкини босса борми...

— Қилт этсанг, қўлогингдан дарча очаман! Қани олдимга туш!

Улар бирин-кетин идорага кириб келишди. Раис чақирув қоғозига қўл қўйдириб олган, Маманиёзга заппнинг лўндасини айтди.

— Қочиб қайга борардинг? Эртага ФЗУга жўнайсан, сафар халтангни тайёрла!

Маманиёз тақдирга тан бериб ўрнидан тураркан, Мирусмон тоғага қараб ҳайратдан донг қотиб қолди. У ўн қўлига тўрт буклаб, қиррасидан тўппонча шаклида ушлаб олган дўпписининг қизагини

ёзиб, қафтига урди ва тўғибирона тиржайиб, киши олд.

МУРАККАБ САВОЛ

Маҳалламиздаги хонадонларнинг бирида издиҳомдан кейин, Матлаб қори бир талай саволларга жавоб қайтариб, кўп чигал масалаларга аниқлик киритди. Башараси фақат бурунга айланиб кетган Маматвали атрофдагиларга ўзини бир кўрсатиб қўйиш мақсадида қори акага қўйидаги савол билан мурожаат қилди:

— Намоз ўқиб турган маҳалда қўққисдан бурун қонаб кетса, янгидан таҳорат олиш керакми, ёки?..

Матлаб қори Маматвалига тағизимдан қараб олди ва лаби лунжини аранг йиғштириб, — ука, бу саволингизга сал ҳолироқ ерда жавоб бераман, — дедди холос.

Шайтонга ҳай беролмаган баъзи бир кишилар ўзларини эшикка уришди...

«ШАКАРПАЛАК»

Бу қишлоқда лақабсиз одамнинг ўзи йўқ. Баъзиларини юмшатиброқ айтишади. Масалан «тирқиш» бўлса, «қайишбойвачча» дейишади. Арзимаган нарсаси «пов» этиб кетадиган бақалоқ Салим сариқни эса «шакарпалак» деб эркалитиради.

Анча етилиб қолган Салим ярим тунда тўғри нонвойхонага келди. Бироз мизғимоқчи эди, ҳа деганда уйқу савил келавермади. У қолдаги унни ҳампаза бўшатгач, тўғри хонадан эплаттирган «дармон дори»ни очиб, сопол косага қўйди ва ҳафсала билан симирди.

Салим нонвой ҳампадаги унни қоргани сайин «Шамшод шароби» ўз кучини кўрсатиб, калта оёқлари хангиллачўп бўлиб, қисқа қўллари синанчдек ёпишқоқ ҳамирдан зўрба-зўр сугуриб оларди. У ҳамирни олд томонга тортмоқчи бўлиб тирсакларига таянганида, оёғи кўтарилиб ўмгаги билан ҳампаза муккасидан санчилди. Йеги ҳамирга ботиб бораётган Салим кайф зўриданми ёки қўрқувданми: «Қўйиб юбор, аҳмоқ, қўйиб юборсанг-чи», деб типирчиларди.


Нонвойхона томондан чиқаётган ташвишли овоздан хушёр тортган Маматқарим қоровул милтиқни кўтариб панжарадан ошиб ўтди. Деразининг синиқ ойнасидан бешотарни дўлайиб: «Қўлингни кўтар!» — деди. Ичкаридан Салимнинг хирқираб сўкинган овозидан ўзга сас эшитилмади. Маматқарим тоға ойнадан синчиллаб қараса, қўл ўрнига иккита оёқ иштифта кўтарилиб турарди.

Дарҳол эшикни очди. Ўзи билан ўзи олишиб, сўкиниб ётган «Шакарпалак»ни белидан баъзўр тортиб чиқаргач, бетига суя урди. Ўзига келган Салим ҳаласкорига илтижоли боқиб, ҳиқичоқ арадаш «Раҳмат, ҳиқ, Сиз бўлмасангиз, ҳиқ...» деб жағидаги ҳамирни сидирди.

— Ҳурмачанга яраша ичмайсанми, баччагар!..

— Тоға, итмос ҳиқ, Али қизиқ эшитмасин, ҳиқ... Юз йил эрмак қилади-я.

— Хотиржам бўл, оғзим баккам. — Маматқарим қорувул зарда билан ташқарига айналди.



ТУРСУНБОЙ АДАШБОЙГА



Ўзбек тилига ДАВЛАТ МАҚОМИ БЕРИЛГАН

«Сотиб олинган нарсалар орқага қайтарилмайди».

«Интер-Осиё» воситачи дўконидagi эълон.

«Ҳамири кат-кат сомса».

Юнусобод чорраҳасидagi сомсахона пешонасига битилган лавҳа.

«Ёнғиндан хавфланнинг».

ТНГ 06—91. Енилги ташувчи мошиннинг биқинидаги ёзув.

«Келин-куёвлар — ижара кийимлар».

Навоий кўчаси,
«Сервис» дўконидagi ёзув.

Олача чопонда Ҳалимшони зўрға танидим. Бадахшонлик бу пахсакаш йигит иккита оғайниси билан ўтган баҳорда қўшимиз Зубайда хола-нинг деворини уриб берганди.

Ҳалимшо бир бурда бўлиб қолибди. Соч-соқоли ўсиб кетган. Елкасида чопонига монанд ёғ босган хуржун. Оёғида унгиб кетган чорик. Нимагадир ўнг қўлига бир тутам беда, чапиде тезак ушлаб олибди. Даврага яқинлашдим. Чойхоначи Ашур тоғага форсий ва ўзбекча сўзларни омухта қилиб гапирарди:

— Амак, як ола асп гумшудаст.

— Бечора ола отини йўқотиб қўйибди, — деб ўзбекчалаштирди чойхоначи.

— Эҳ аттанг, меҳмонга қийин бўпти-да, — ачинди атрофдагилар.

— Қайси бозордан олудингиз?

— Нанайнинг бозорига яқшанбага харида грифтам.

БЕДА ВА ТЕЗАК

— Қўшни қишлоқлардан суриштирдингизми?

— Оқтомга даракладем, Олабўқага ковладем.

— Қачон йўқолди?

— Жумодил аввалга. Оққўргонга қачина пахса ургон.

Ола асп чилбирни паррон қилиб гум бўлгон.

— Беда билан тезакни нимага олиб юрибсиз?

— Соддан-лодан жўро, гум бўлгон ола асп мана бунигон, мана бунисини тезаклагон.

Ашур тоға даврадагиларнинг кулгусини андавалаб, «суриштирамиз, топсак айта-миз», деб масофирга таскин берди.

Ҳалимшо миннатдорчилик билдириб, Заркентга равона бўлди. Унинг йўловчиларга қарата айтган қўйидаги сўзлари қўлогимизга чалинди:

— Ҳой, аҳли мусулмон! Як ола асп гумшудаст, бунигон, бунигон тезаклагон. Кимки кўргон, ман юз сўм бергон...



Муаллиф: А. АБДУРАҲМОНОВ

